

Ассалом, 1998 йил

КЕЛАЖАҚДАН УМИДИМ КАТТА

Сўхбатдошларимиз: 1997 йилда мустақил ҳаётга илк қадам қўйган ёш оқлалардан бири бўлиши олийгоҳ талабалари Шаҳзодаҳон ҳамда Шухратжон Қодировлар.

Шаҳзодаҳон 1997 йил Сизда қандай таассурот қолдирди?


Шаҳзодаҳон: 1997 йилда мустақил ҳаётга илк қадам қўйган ёш оқлалардан бири бўлиши олийгоҳ талабалари Шаҳзодаҳон ҳамда Шухратжон Қодировлар.

Шаҳзодаҳон: 1997 йилда мустақил ҳаётга илк қадам қўйган ёш оқлалардан бири бўлиши олийгоҳ талабалари Шаҳзодаҳон ҳамда Шухратжон Қодировлар.

Шаҳзодаҳон: 1997 йилда мустақил ҳаётга илк қадам қўйган ёш оқлалардан бири бўлиши олийгоҳ талабалари Шаҳзодаҳон ҳамда Шухратжон Қодировлар.

Шаҳзодаҳон: 1997 йилда мустақил ҳаётга илк қадам қўйган ёш оқлалардан бири бўлиши олийгоҳ талабалари Шаҳзодаҳон ҳамда Шухратжон Қодировлар.

Г.АХМАДЖОНОВА, "Туркистон" мухбири



БАЙРАМ... ЕР ОСТИДА КУТИЛАДИ

Гулнора еростида -- Тошкент метрополитенининг ҳамма бекатида катта оператор бўлиб ишлайди. Ёш бўлса-да, олти йиллик иш тажрибасига эга. Кўпчилик кириб келаётган Янги йилни оила даврасида дастурхон атрофида кутиб олса, Гулнора Абдуллаеванинг энг маъсулиятли хизматчилари соат 24.00да, метронинг сўнггида поезди ўтиб, бекатнинг кириш-чиқиш эшикларига тамба солинганда сўнг бошлади.

Айни шу дам Сиз учун қандай кечади? -- Соат 24.00дан бошлаб тушум пуллар ҳисобланиб, инкассатор келгунча сейфга сақлаш учун олиб қўйилади. Кейин қутиларга тушган жетонлар ҳам ҳисобланиб йиғилади. -- Д-мак, Янги йилни тик оёқда кутиб олар экансизда... -- Ҳа. -- Пул ва жетонларни ҳисоблаш, расмийлаштириш ва сақловга олиб қўйишга қанча вақт кетаяди?

Тахминан 2,5-3 соатлар ишлаймиз. -- Байрам дастурхони ҳақида гапирмасам ҳам бўларкан... -- Хизматчилик. -- Гулнора, бу Сизнинг Янги йил тундидаги биринчи навбатчилигинизми? -- Йўқ, 1995 йил арафасида ҳам Янги йилни еростида хизмат билан кутиб олганман. -- Хафа бўлмаганимиз... Ахир ҳамма бу пайтда яқинлари билан оила даврасида байрамни нишонлаётган бўлади.

Баландпарвоз гапираяпти деманг-ку, мен касбимни севаман. Қолаверса, бу раҳбариятнинг менга юкларини масъулияти ва ишончидир. -- Турмуш ўртоғингиз Янги йил тундидаги навбатчиликни қандай қабул қилди? -- Рафаэлнинг бу хабарни эшитиб, олдинга бироз жаҳли чикди. Кейин "тақдирга тан берди". Қолаверса, у ҳамкасбим, мени тушунади. -- Ия, турмуш ўртоғингиз ҳам метрودа ишлайдими? -- Ҳа, улар муҳандислар. -- Байрамни ишончада кутиб олар экансиз. Бундан олдингисидан бирор

НАЗОКАТ ЁЗИБ ОЛДИ

ОНАМГА

Онажон! Соғинч тўла ниҳонингиз ила бир зум ташқарига боқинг! Кўрайсанми, оппоқ қор ёмғоқда. Борлиқни оппоқ ранга бўяб ризқ-насиба ёмғоқда... Бундан илтимом йил олдин ана шу қордек оппоқ орзулар қанотида қишлоқдан учирма бўлган эдим. Илтимом йил ичда орзуларимнинг қай бирига эришдим, қай бирига йўқ. Аммо Сиз илтимом йилки Янги йилни менсиз кутасиз. Янги йил дастурхони атрофида йиғилган беш ўғлингиз, тўрт келиннингиз, тўққиз набиранингиз ёнида шаҳарлик бўлиб кетган ўғлингиз, энг севимли келиннингиз ва ширинтой набираларингизнинг йўқлиги дилингнизи ўқсатилади. Умидвор қалбингиз қўлоққа айланган... Соғинчдан ниҳорон кўзларингизни йўлга тикасиз...

Онажон, эшитасизми, кимдир эшик қоқмоқда. Дарҳол эшик очинг, унда пешовз чиқинг. Ахир бу Янги йил-ку. Орзуларимизга эш, ниҳонларимизга йўлдош бўлганни келган У...

Онажон! Уни яхшилаб кутиб олинг. Токи, у ҳам биз билан хайрлашаётган йил каби муваффақиятлар йилли бўлиб қолсин. Юртимизга фаровонлик, элимизга омонлик келтирсин. Омонимизни мусавфоллик, одамлар қалбини меҳру оқибат асло тарк этмасин...

Ўғлингиз Темир ҚУРБОН

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

Инсон табиятан шодликка мойил. Шундан бўлса керак, ҳар бир одам байрамни яхши кайфият билан нишонлашга ҳаракат қилади. Бундай ҳушнуд кунларни кўпчилик оила даврасида ўтказишса, баъзилар уни иш жойларида кутиб олишларига тўғри келади. Ана шундай филоий касб соҳиблари -- саломатлик посбонларидир. I-ТошМининг тезкор жарроҳлик гуруҳи ҳодимлари ҳам эртаю-кеч, ҳатто байрамларда ҳам аҳоли соғлиғи қайғуси билан банд. Халқимизда "Соғлик олтиндан қиммат" деган гап бор. Бу бор ҳақиқат. Чунки тўшқад ётган беморнинг бошидан тилла сочгани ҳам унга қиё боқмайди.

Маълумки, тезкор жарроҳлик бўлимига бахтсиз ҳолисalar юз бериб жараҳат олганлар келтирилади ва уларга зудлик билан ёрдам кўрсатилади. Бўлимида навбатчилик яхши йўлга қўйилган. Бу йилги байрамни тажрибали бошшифокор Мирзохид Обидов, ёш шифокорлардан Насиба Ачбаева, Рашид Янгиев ҳамда Венера Ҳалимова каби ҳамширалар шифохонада беморлар даврасида нишонлайдиган бўлишди.

Биз уларга хайри ва сермашаққат ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

ГУЛНОЗА

1997 йил таъбири

Қаҳрамон ЖАМОЛОВ, ТошДуниг халқаро журналистика бўлими битирувчиси. Ўзбекистон телерадиокомпанияси "Ахборот" Бош тахририятида ишлайди.

1997 йилдаги "орттиргани": Ҳиндистонда бўлиб қайтгани.

1998 йилдан кутгани: Чет эллардан "Ахборот" учун махсус кўрсатувлар тайёрлаш.

Утган йилнинг беш ойи биз ўзбекистонлик 9 журналист билан бирга хорижда ўтди. Мустақиллик сабаб, Ҳиндистон Оммавий Ахборот воситалари институтида ўқиб, малака ошириб қайтдик. Унда ўзбекистонликлардан ташқари кўплаб чет эл мамлакатларидан келган журналистлар ҳам ўқишарди. Бизнинг мақсадимиз ҳам, вазифамиз ҳам хориж журналистикасини, қундалик

ҲИНДИСТОНДА БЕШ ОЙ...

матбуот йўналишлари ва коммуникация жараёнини мукамал ўрганиш эди. Ҳинд журналистикаси тарихи, бугунги кун ҳақида маълумот тўплашимизда ўқитувчимиз жаноб профессор Шриваставанинг хизматлари катталигини айтиш лозим.

Институтда биз чет элликлар учун алоҳида ўқув дастури тузилган. Ҳафтанинг шанба ва яшанбасидан ташқари ҳар кун тўрт-беш соатдан ўқирдик. Домларимиз бирор соат вақтимизни ҳам бекор кетказмаслигимизга ҳаракат қилдиришарди. Бўш пайтларимизда халқаро конференцияларда иштирок этардик. Ҳатто "Дурлашан" кўрсатувлар тайёрлаш телевизион марказида тажриба ўргандик.

Уш қунлар ватандошимиз Бобур Мирзо ва унинг езулоласи курдирган тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдик. "Тож Маҳал" ҳали ҳам ўз жилосини йўқотмаган. Шунда ҳар биримиз бу ерга ташриф буюрган чет эллик сайёҳлар олдида ўзбекистонимиздан гурурландик. Ахир дунёни лол қолдирган дурдоналарнинг кашфиётчилари бизнинг бобокалонларимиз эди-да.

Ҳиндистонда ўтган беш ойнинг ҳар бир кунини янги таълимлар, ҳажжонли учрашувларга сероб бўлди, дедим янглишмайман. Бизнинг ўзбекистондан келганлигимизни эшитган ҳар бир хорижлик, юртимиз ҳақида кўпроқ билгиси келарди. Биз эса уларга инглиз ва ҳинд тилларида Ватанимиз ҳақида севинч, ифтихор билан сўзлаб бердик.

Йил сарҳисобига келсам... Ўтаётган йил ҳаммамиз учун жуда яхши келди. Фақат 1997 йилдан гинамиз -- у бир йиллик умримизни "ўғирлаб" қўйди...

Л.КАРИМОВА

ҚИШЛОҚЛИК СИНГЛАНМЯ

(Кўнглидек оппоқ қорхат)

Шаҳар ҳақида ширин орзуларга етакларди. Ўша хаёлларнинг қулига айланарди... Қани дердик, лой йўлақлардан сув ташимасак, унинг ўзи оқиб келса, қўлимизни совуқда қоракча қилиб печка ёқмасак, ўзи ёнса, совуқда дийдираб мол-ҳолга қарамасак, сигир соғмасак, хўл ўтинда қозон қайнатмасак... Ҳе-е шаҳарликлардай уйдан чиқмай яшасак...

Сингилжоним, биз ҳам сендек эдик... Бугун сен орзу қилган "ушаймайдиган қишлоқнинг армонлари"ни биз ҳам орзу қилгандик.

Онам сендан нолиб қўяди: "Мақтабни биткизиб бунинг ҳам шаҳарга кетмоқчи..."

Сенга сездирмай ишларингни кузатман. Тонг саҳар кечкурун билан ёққан оппоқ қордан из босиб молхонага кирасан. Таппи ёпасан, дам тандир учун ўтин ташийсан, хашак топасан, охурига сув соласан...

Ишинг битиб, ичкарига кирасан, кўмир ёниб тугабди. Озингни қўларинг исига ҳам улгурмасдан онам қаңқириб қолди: "Кир суви учун қачон олов ёқасан...", "Уф", дейсан...

Бу ишлар ҳар кунги юмушларинг, сингилжоним. Ортса ортадики, аммо қамаймайди...

Сингилжоним, бугун олманни янгилаб (янги йил учунми?) қор ёғди. Оппоқ лайлак қор. Шунда сени эсладим. Ҳозир ёғатган қорга қараб нимани орзу қилаяпсан?!

Биламан уласан, ҳеч кимга, яқин дугонанга ҳам бу сирларни айтмайсан.

Балки, қишлоғимизнинг шароитини яхшилашни... Балки, келаси қишга қўшга киришни...

Балки, тундаги битта илнж -- чироқ ўчмаслигини... Балки... сўрагандирсан.

Оқидан тиланган тилак кўпичча рўёбга чиқади. Нима бўлса-да, ниҳоят-орзуларинг амалга оқсин.

Сени соғиниб шаҳарлик оппоқ. ЛАЙЛО

ЗАМОНДОШГА МАКТУБ

Меҳнатдан қанариб кетган бармоқларингиз балки бугун жажжи болжонингизнинг бошини сийлаётгандир. Биламан, ёз бўйи тинмай меҳнат қилдингиз. Уй юмушларингиз, дала ишларингиз барвақт улгурдингиз. Уйим-жойим деб тинмай ҳаракатда бўлдингиз. Оила аталмиш оғир юкни нозик елкаларингизга ортмоқда, дам олиш нималигини билмай олган интилингиз. Бу албатта сизнинг сабр-тоқатли, матонатли эканлигингиздан дарак беради.

Аёл -- оила бекаси. У севиқли ёр, меҳрибон она, азиз мураббийдир. Ва айни пайтда оиланинг беминнат хизматкори ҳамдир. Чунки аёлсиз уй фаршасиз бўлишдиқай. Азиз онахонлар, азиз дугонажонлар! Сиз борсиз, қил дунё боқий, ҳаёт фарвон. Кириб келаётган янги йилнингиз кутлуғ бўлсин. 1998 йил оилангизга оламан шодлик, кут-барака олиб кирсин.

ГУЛНОЗ

Ёшлар ва жаҳон

Йил якунида амалга оширилган ва ҳали бажариб улгурилмаган юмушлар сарҳисоб қилинишидек эзу одат бор халқимизда. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Комиссиясининг бош эксперти, оммавий ахборот воситалари бўлимининг бош вақили Бобур Тўхтабоев шундай ҳикоя қилади:

ДУНЁДА ЎЗ ОВОЗИМИЗ БОР

Шиддат билан ўтган 1997 йил биз учун унутилмас йил бўлиб қолади. Чунки шу йил халқаро миксбелги кўпгина тадбирлар ўтказилди. Қурраи заманимизда жаҳождарлар қўҳна Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейига бағишланган ҳафталик июн ойида Париж шаҳридаги ЮНЕСКОнинг бош қароргоҳида тантанали нишонланди. Алоҳида кўрғамса, концертлар ташкил қилинди. Таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган "Буюк ипақ йўли" спектакли оверпопчиларга жуда манзур бўлди.

Езда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Эльбрус" оромгоҳида Марказий Осиё ёш лидерларининг биринчи халқаро ўқув-семинари ўтказилди. Республика ёшларининг "Қамолот" жамғармаси билан ҳамкорликда уюштирилган тадбирдан қўзланган мақсад йигит-қизларни жамиятимизда кечаётган ўзгаришларга кенгроқ жалб этишдан иборат бўлди. "Олтин мерос" халқаро жамғармаси билан бирга ўтказилган минтақавий семинар Ўзбекистоннинг маданий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган эди. Унда Марказий Осиё республикаларидан келган вакиллар билан биргаликда Япония, Дания, Франция ва бошқа давлатлардан экспертлар иштирок этиб, хорижда бу борадаги қўлланаётган тажрибалар билан ўртоқлашди.

Утмишсиз келажак бўлмайди. ЮНЕСКОнинг

нослик институту кутубхонасидаги ноёб кўлемда китоблар ЮНЕСКОнинг "Жаҳон хотираси" халқаро рўйхатига киритилди.

Мазкур ташкилот бош конференциясининг 29-сессиясида юртимизга тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 1998 йилда улғу аллома Ал Фарғонийнинг 1200 йиллигини, Имом Ал-Бухорийнинг ҳамрий-қамарий ҳисобда 1225 йиллигини ва 1999 йилда буюк халқ эпоси "Алпомиш" яратилганининг 1000 йиллигини халқаро миқёсда нишонлашга келишиб олинди.

ЮНЕСКОнинг янги кенгашида бошқа яна бир муҳим қарор қабул қилинди: Ўзбекистон илк бора мана шу кенгашга аъзо сифатида сайланди.

Хабарингиз бўлса керак, Филлипиннинг Манила шаҳрида Бутунжаҳон ёшларининг кенгаши ўтказилди. Унда бизнинг мутахассислар билан бирга, Тошкент Давлат Техника университетининг талабаси Мадина Абдулломова ҳам иштирок этди. Кенгашда жаҳоннинг барча қитъаларидан ёш элчилар тайинланди. Мадина эса Осиё минтақаси бўйича элчи этиб тайинланди. Бу кишига ўзгача фахр бағишлайди.

Булардан ташқари чет давлатларга таълим, маданият, информатика, коммуникация соҳасида ҳам мутахассисларни малака оширишга юбориб, кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг бажарилишига ҳиссамизни қўшишга интилаймиз.

Сўхбатдош Н.УСМОНОВА

1997 йил таъбири

ТАЛАБАЛИК... ОРЗУ, АРМОН... ХОТИРА...

Йил якуни топмоқда. Утиб кетган умр ёшликнинг қайсидир саҳифасида ўзининг хотираларини биштириб бўлган.

1997 йил воқеаларга бой бўлди. Кимдир талаба, кимдир бу сўз бир йиллик армон бўлди, кимлар учун талабалик йиллари билан ўтган кунлар хотирага айланди.

Муҳаббат Каримова, Ғиждувон шаҳар тиббиёт техникуми I курс талабаси: -- 1996 йилнинг бенаиб бахти менга 1997 йилда насиб этди. Талаба бўлдим. Шунинг учун-да менга кунлар қадрироқ. Икки йилдан кейин ҳамшира-соғлик посбони деган ҳужжат оламан. Ниятим ҳам, орзум ҳам халқимга, ақилларимга, ҳамқишлоқларимга хизмат қилиш.

Тилагим, келаётган йилда ҳеч ким хасталик нималигини билмасин.

Бахтиёр МУРОДОВ, Ургут тумани:

-- Утаётган йилда... Омад яна мендан юз ўтирди. ТошДУнинг математика факультетига ҳужжат топширдим, етарли балл тўпловмадим.

Абитуриентлик да ётоқхонада бирга турган икки ўртоғим ҳозир талаба. Уларга шунақа ҳавасим келяпти. Тайёрлов курсида ўқияман. Барча орзуларим келаётган йилдан...

Нилуфар САФАРОВА, химия-технология институти собиқ талабаси:

-- Ҳар кун ётоқдошлар бир мавзу ҳақида гаплашарди: "Қачон ўқшини битказарканмиз?" Институт билан ҳам, талабалик билан ҳам ҳайрашдик. Энди кунимиз, тунимиз бирга ўтган битта ҳам курсдошларимиз кўролмаيمان. Беш йиллик қадрдон ётоқни кўп кўрсайман. Барибир яхши эди-да талабалик. Чунтагинда пулинг

бўлмаса ҳам чидардинг, ота-онанг билса бўлди, юборарди. Талабаликда зерикишга вақтинг бўлмади. Энг асосийси, сени тендошларинг ҳар қандай вазиёда тушунарди.

Ҳали эсимда, учинчи курсда ўқирдик. Ош дамланган қозонимиз ошхонада йўқолиб қолди. Ош-ку майли, қозон қайғуси ёмонроқда. Ҳафта ўтди. Ўртоғим қувониб қўлида торт билан кириб келди.

-- Қозонимиз топилди.

Кейин билсақ, пастки қаватда турган йигитлардан бири ошналарини меҳмонга тақдир қилган экан. Шунда йигитликда, ҳеч нарса йўқ дейишга уялибмиш...

Тортни мазза қилиб едик. Аммо, ҳечам қозонимизни ўғирлаган ўша боладан хафа бўлмагандик...

ЛАЙЛО



"ЮРТИ ИШИҚИДА" "ЁНАМАН"

"Туркистон"чилар савобни ҳар ким ва ҳар кун қилиши керак, деган ҳикматга амал қилган ҳолда, ногирон болалар таълим оладиган Тошкентдаги 100-маҳсус мактаб-интернатда Янги йил байрамни ўтказиб бермоқчи бўлди. Мактаб-интернат директори Муқаддас



Мираҳмедова байрамга Қорбобо билан Қорқиз келишини эшитиб бениҳоя мамнун эканлигини билдирди.

Байрам билан боғлиқ юмушларни журналистлар ўз зиммаларига олишди. Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, таниқли шоир Муҳаммад Юсуфга кўнғирок қилдик у: "Мен бундай хайрли ишга ҳар қандай ишимни ташлаб бўлса ҳам бораман", деди. Маданият ходимлари касабга уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Малика Жалилова Қорбобо билан Қорқизни М.Горький номи театрдан тақдир қилишга ваъда берди.

Бадиий академия раиси, академик Турсунали Қўзиёев: "Болаларга совға-саломни биз берамиз, -- деди. -- Эшитишимча, ногирон фарзандларимиз орасида истеъодли ўқувчилар кўп. Мактабда касомлик коллежининг махсус синфини ташкил этишни ўйлаб кўрамиз".

"Ўрток" қандалот фабрикаси директори Мухтор Икромов: "Байрамга энг яхши совға -- ширинликлар", -- деди ва болаларга бир олам ширинликлар ажратди.

Хушовоз хонанда Каримжон Рустамов ўша кун билан албатта бирга бўладиган бўлди.

Байрам одатдагидай бораётган эди. Болаларни "Туркистон" газетаси ходимлари, Бадиий академия раиси ўринбосари, академик Тоҳир Миржалолов табриқлади. Шоир Муҳаммад Юсуф шеърларидан ўқиб ўқувчиларни, уларнинг мураббийларини хушнуд этди.

Навбат хонанда Каримжон Рустамовга келиб, торини қўлга олди. У биринчи қўшигини тугатар-туғатмас, ўтирган болалардан бири қўлини кўтариб, қўшиқ айтиш истагини билдирди.

Полни кўлтиктаёқлари билан тақ-тақ уриб келаётган 15 ёшлардаги Анвар Бо-

Мухтасар ТОЖИМАТОВА

Муҳаббат Каримова, Ғиждувон шаҳар тиббиёт техникуми I курс талабаси: -- 1996 йилнинг бенаиб бахти менга 1997 йилда насиб этди. Талаба бўлдим. Шунинг учун-да менга кунлар қадрироқ. Икки йилдан кейин ҳамшира-соғлик посбони деган ҳужжат оламан. Ниятим ҳам, орзум ҳам халқимга, ақилларимга, ҳамқишлоқларимга хизмат қилиш.

Тилагим, келаётган йилда ҳеч ким хасталик нималигини билмасин.

Бахтиёр МУРОДОВ, Ургут тумани: -- Утаётган йилда... Омад яна мендан юз ўтирди. ТошДУнинг математика факультетига ҳужжат топширдим, етарли балл тўпловмадим.

Абитуриентлик да ётоқхонада бирга турган икки ўртоғим ҳозир талаба. Уларга шунақа ҳавасим келяпти. Тайёрлов курсида ўқияман. Барча орзуларим келаётган йилдан...

Нилуфар САФАРОВА, химия-технология институти собиқ талабаси: -- Ҳар кун ётоқдошлар бир мавзу ҳақида гаплашарди: "Қачон ўқшини битказарканмиз?" Институт билан ҳам, талабалик билан ҳам ҳайрашдик. Энди кунимиз, тунимиз бирга ўтган битта ҳам курсдошларимиз кўролмаيمان. Беш йиллик қадрдон ётоқни кўп кўрсайман. Барибир яхши эди-да талабалик. Чунтагинда пулинг

бўлмаса ҳам чидардинг, ота-онанг билса бўлди, юборарди. Талабаликда зерикишга вақтинг бўлмади. Энг асосийси, сени тендошларинг ҳар қандай вазиёда тушунарди.

Ҳали эсимда, учинчи курсда ўқирдик. Ош дамланган қозонимиз ошхонада йўқолиб қолди. Ош-ку майли, қозон қайғуси ёмонроқда. Ҳафта ўтди. Ўртоғим қувониб қўлида торт билан кириб келди.

-- Қозонимиз топилди.

Кейин билсақ, пастки қаватда турган йигитлардан бири ошналарини меҳмонга тақдир қилган экан. Шунда йигитликда, ҳеч нарса йўқ дейишга уялибмиш...

Тортни мазза қилиб едик. Аммо, ҳечам қозонимизни ўғирлаган ўша боладан хафа бўлмагандик...

ЛАЙЛО

Ассалом, 1998 йил

"Ёшлик"нинг туҳфаси

"Ёшлик" студияси республикамиз ойнаи жаҳоннинг иш ҳамиша қайнаб турувчи, энг фаол тахририятларидан, десак сира янглишмаймиз. Бу сифар ҳам қизгин ижодий жаҳоннинг гувоҳи бўлдик. Мавжуда опа ҳар доимгидек куйиб-пишиб билан гуруҳ талаба қизлар билан курсатув тайёрляпти. Бош муҳаррир Минҳожиддин Ҳошиматов Янги йил байрами арафасида намойиш этиладиган курсатувлар матнини кўздан кечирмоқда.

Сўнги пайтларда телевидениеда ёшлардиққатини жалб этувчи курсатувлар кўпайиб бораётгани қувончи ҳолдир. Бу борада "Ёшлик" тахририятининг хизматлари сезилари даражада. Йигит-қизларимиз ушбу тахририятда тайёрланган курсатувларни қизиқиш билан томоша қилишлари фикримизнинг далилидир.

"Ухшаб чеҳралар", "Омад гилдираги" каби курсатув, телеуйинлар намойиш этилганининг эртаси кунидек куча-кўй, транспортларда ҳамюртларимиз ўз таассуротлари билан ўртоқлашаётганликларининг кўп бора гувоҳи бўлганмиз. "Ёшлик"нинг "Мен билган, билмаган дунё", "Отлар сўзи -- ақнинг кўзи", "Талабалик йилларим", "Йигит омон бўлса", "Ўзбекистон аскарлари" каби ранг-баранг мавзудаги курсатувлари бугунги ёшларимизнинг ҳаёти, муаммолари, ўй-кечинмаларию орзу-умидларини моҳирона услубда томошабинга етказган олдани боис ҳам кўпчилик юртдошларимиз уларни қизиқиш билан томоша қилишадилар. Янги йил кунларида студия томошабинларни бефарқ қолдирмайдиган "Ёшлар ва оила" номли курсатувини намойиш этишни режалаштирмоқда.

Туркия телевидениесида ёшларнинг "Сомон йўли" тунги дастури бор, -- дейди Минҳожиддин ака. -- Биз ҳам шунга ўхшаш "Ойдин кечалар", "Дунё ёшлари" номли дастурлар тайёрламоқчимиз.

Телевидение шаънига

Н. ИСЛОМОВА

Қўнғин изҳори

ҚУРБАКЛАР ЮЗ ОЧДИ

Маълумки, охирлаб бораётган йил халқимиз учун фароббахш кунлар у байрамларга, шодиёна оиларга бисёр бўлди. Айниқса, "1997 йил Инсон манфаатлари йили" ва Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан Давлат матбуот қўмитаси ташаббусига қараб Республика матбаа таъминот улгуржи-воситаси фирмаси ҳомийлигида 33 та ёш ижодкорнинг илк китоблари чоп этилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Ҳар бир ёш ижодкор меҳнатининг юзага чиқарилиши ўзига ҳош қиёфет, десак сира муболага қилмаган бўламан. Шунга асосан айтиш мумкинки, илк китоби чоп этилган 33 та ижодкор -- 33 та кашфиёт, 33 та ўзига ҳош янги овоз. Улар орасида Юсуф Расул, Фахриддин Солиқ, Ғайрат Маъжид, Бахтиёр Сайид, Саодат Пулкан, Дилфуза Қўзиёева каби иқтидорли ёшлар борки, улар вақти келганда янада дилбас асарлар яратиб, адабиёт майдонига ўз мақомига эга бўлажақлар!

Мен Янги йил ҳам барча-барчамиз учун ҳайрли келишини тилаб қоламан.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ

ЛОНДОНДА УЧРАШУВ

"Умид" жамғармасининг 35 совриндори 1997 йилнинг сентябрь ойидан буюб Буюк Британияда ўз билимларини мукамаллаштирипти. Улар мамлакатнинг етакчи университетларидан бири ва молия ишлари, менежмент, дипломатия ҳамда ҳуқуқшунослик каби мутахассисликлар бўйича таҳсил олмақдалар.

Янги йил арафасида Лондон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умид" жамғармаси йўлланмаси билан Буюк Британияда таълим олаётган ўзбек талабалари билан учрашув ўтказилди. Мазкур учрашув мамлакатимизнинг Буюк Британиядаги элчихонаси томонидан Британия Кенгаши ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Лондон "Имэйжинэйшен" галереяси залида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги Факултода ва мухтор элчиси Ф. Тешабоев, Британия Кенгаши департаменти директори Ж.Унттел, Республика Банк академияси ректори М.Очилов ва Британия жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар Британия университетларида ўзбек ёшлари таълимини ташкил қилиш, Ўзбекистон ҳамда Буюк Британия ўртасидаги таълим ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Ж. МУТАЛОВ, "Жаҳон" АА муҳбири



“Туркистон” меҳмонхонаси

Муҳтарам муфтий ҳазратлари, муборак Рамазони шариф ойининг бошланғичи муносабати билан ҳамюртларимизга истак ва тилакларингизни билмоқчи эдик.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! Аввало, сизлар билан бу сеvimли газетамиз орқали учрашганимдан мамнунман. Диёримиздаги барча мусулмонларни Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва шахсан ўз номидан бугунги муборак Рамазони шариф ойининг кириб келиши билан самимий табриқлайман.

Муфтий ҳазратлари, юқоридаги саволга бирмунча жавоб олдим, катта раҳмат. Оилада ота-оналарнинг бурчлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

Никоҳ ва оила масаласи бу аслида жуда катта бир мавзунга ўз ичига олади. Мухтасар ҳолда шуларни айтишим мумкин, бу муқаддас вазифани адо этишда, ҳар бир ота-она унга катта аҳамият беришлари лозимдир. Ўз фарзандларини ёш жиҳатидан оила қуришга тайёр эканлигига тўла қаноат ҳосил қилиб, сўнгра никоҳдан ўтказишлари шарт. Албатта, бунда давлатимиз қонунида

ОИЛА МУҚАДДАСИ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори БАҲРОМОВ ҳазратларининг “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблари

истиқлол туфайли барчаси улуг айём ила бир-биримизни сидқидилдан ошқора муборакбод этиш бахтига муяссар бўлиб турибмиз. Маълумки, Рамазони шариф тоат-ибодат, сабр-қаноат, тинчлик-хотиржамлик ва бахт-саодат ойидир. Ҳар бир рўздор доимо покиза, яхши ниятли, ўзгаларга раҳмдил, катталарга ҳурмат ва кичикларга izzat, ўз ахлоқи, одоби ила бошқаларга намуна бўладиган яхши хислатларга эга бўлмоғи керак. Чунки бу ойда иншооллох гуноҳлар ювилажак, тавбалар чин дил ва ихлос билан қилинадиган дуолар мустаҷоб бўладиган ойдир. Диёримиз мусулмонлари бу кунларга тинч-осойишта етиб келдилар.

1998 йил “Оила йили” деб эълон қилиниши муносабати ила оила ва никоҳнинг муқаддаслиги хусусидаги фикрларингиз қандай.

Дарҳақиқат, Президентимиз жаноб И.Каримовнинг янги -- 1998 йилни “Оила йили” деб эълон қилишлари биз дин аҳлларини ҳам бағоят мамнун этди. Ушбу тадбир жумҳуриятимиздаги кўп миллатли халқимизга, ундаги тенг ҳуқуқли мўмин-мусулмонларга ҳукуматимиз томонидан қўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик намунаси. Биламизки, оила жамиятимиз таянчидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда оила ва никоҳнинг муқаддаслиги ҳақида шундай деб марҳамат қилди: “Ўз жинсларингиздан сизлар учун жуфти ҳалоллар яратиб берди, токи улар билан ҳаловатли турмуш қургайсизлар. Урталарингизда меҳру муҳаббат туйғусини пайдо қилди. Бу эса Аллоҳнинг биру борлигининг нишонларидандир. Ақл-идроқли фикр юритувчилар учун бунда кўп ишорат ва аломатлар бордир”.

Уйланиб, оила қуриш жаноб пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг суннатларидандир. Чунки, бир ҳадиси муборакларда шундай деганлар: “Никоҳли оила қуриш менинг суннатимдир. Кимки менинг суннатимдан воз кечса, у менинг тўпимдан эмас”. Бизлар диний ва миллий қадриятларимизга риоя қилиш билан бирга, оила ва никоҳ ҳақидаги давлатимиз чиқарган қонун ва қоидаларга ҳам қатъий амал қилишимиз зарурдир.

Бу борада Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг “Шаръий никоҳдан ўтиш одоблари” ҳақидаги фатвоси ҳам чиқарилган. Шаръий никоҳдан ўтиш учун Исломи динимизда янги оила қураётган кишилардан, яъни ёш келин-куёвлардан талаб қилинадиган бир қанча шарт ва одоблар мавжуд. Ундан барча яхши хабардор бўлиши ва уларни муқаддас билиб, ўз умрлари давомида унга ҳурмат билан амал қилиб боришлари зарурдир. Аввало, ёш келин-куёв шаръий никоҳ вақтида балоғат ёшига етган ва давлат никоҳни қайд этиш идоралари рўйхатидан ўтган, расмий гувоҳнома олган бўлиши шартдир.

белгиланган балоғат ёшини эътиборга олиш керакдир.

Бу ишда ҳеч қачон шовша-шошарликка йўл қўймасдан, кенг мушоҳада ва оилада кенгаш билан иш тутилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом бир ҳадиси шарифларида: “Қизларни турмушга чиқариши тўғрисида оналари билан маслаҳатлашингиз” -- деганлар. Шунга ҳам унутмайликки, тўй баҳонаси билан қудалар ўртасида, кўша-кўша тоғоралар, сарпо-суриқлар каби ортиқча сарф-харажат, исрофгарчиликлар бўлмаслиги керак. Ким ошди, ном чиқарга дабдабали тўйнинг бўлишидан ёш келин-куёвга қандай наф бор?

Бунинг ўрнига ўша маблагларни фарзандининг илм олишлари учун ўқув қуроллари ва оилада ишлатилиши лозим нарсаларга сарф этилса, ўринли бўлур эди.

Ҳар бир оилада ёшларимиз катталар маслаҳати ила иш тутсалар, иншооллох ёш оилалар мустаҷабкам, жамиятимиз эса янада фаровон, турмушимиз эса лаззатга тўлур эди.

Муфтий ҳазратлари, муборак Рамазони шариф ҳақида қанча гапирсак шунча оздир. Шунга қарамай, охириги саволим: рўздор қандай саломатлигига фойдаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

Бу саволингизга юқорида бирмунча жавоб берган эдим. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом бу ойнинг ниҳоятда улуглиги ҳақида шундай деганлар: “Кимки рамазон ойда рўзанинг фарзалигига ишонган ва Аллоҳ таолонинг розилигини истаган ҳолда рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади”.


Рўздор бўлган одам фақатгина оч-ташна қолиши билан яратганга тақво қилган бўлмайди. Балки ҳар бир ишда рўздор ўта хушёр бўлиб, ўз нафсининг хоҳишига қул бўлишдан қутулиб, унинг руҳи жасадига ҳоким бўлади.

Рўза инсонни жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан тарбия қилувчи омилдир. Бир ой мобайнида меъда ором олиб, ўзигади ортиқча моддалардан халос бўлади. Рўздорлар ҳаддан ташқари тўйиб оватк эмасликлари лозим. Акс ҳолда, меъёрдан ортиқча оватқаниш инсон саломатлигига зарар етказиши мумкин.

Яна бир бор барчаларингизни муборак моҳи Рамазони шариф билан қўтлаб, янги 1998 йил -- “Оила йили” да Аллоҳ таолодан диёримизнинг ҳар бир фуқароси ва оилаларига улкан бахт-саодат, тинчлик ва аҳиллик, моддий фаровонлик, энг яхши орзу-умидларининг рўёбга чиқишига тилақдошимиз.

Барча эзгу тилакларингизга биз ҳам қўшилаемиз.

Table with 5 columns: Рамазон кунлари, Декабрь январь, Ҳафта кунлари, Саҳарлик тугаши, Ифтор вақти. Rows 1-30 showing daily prayer times.



Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ. Хомий: ЎЗБЕКИСТОН РЕСТАВРАЦИЯСИ «МАТВОУТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСЫ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ. Навбатчи муҳаррир: Темир ҚУРБОН


Милак ДУОГА ҚЎЛ ОЧИБ...

Ҳаммамизда ўзимиз билан-билмаган ирим, одат бор. Тўйда курсак-да, азда курсак-да кексаларга қўл бериб, дуосини оламиз. Оғзидан биттагина “Янглик” эшитишни истаймиз. Янги йил оstonасида туриб биз “Туркистон”-чилар ҳам пир-бадавлат онажону отахоналаримизни саволларга тутиб, улардан ўзимиз, муштарийларимиз учун дуо-фотиҳаларини олдик.

Мамлакат Ходиева, Чилонзор тумани, “Дўмбробод” маҳалласи: -- Худого шукр, қизларимдан қўтулиб, набираларим қуршовида ўтирибман. Қама-қамани кўрдик, урушни кўрдик, афғонни кўрдик. Қурганлар биз бўлайлик. Болаларимиз кўрмасин. Осмонимиз мусаффо бўлсин. Ешларга йймон, катталарга инсоф берсин. Келаётган йил болаларимизнинг ғамини еб, этагида қут-барака олиб келин.

Ойнаса Исасева, Пскент тумани, 5 қиз, уч ўғлининг онаси: -- Маҳалла хотин-қизларининг сардориман. Мақтаниш эмасу ҳеч бир маърака намас ўтмайди. Онаси йўққа опаман, онаси йўққа опаман. Бош-қош бўламан.

Келаётган 1998 йилни Президентимиз “Оила йили” дейишлари жуда яхши бўлди. Бугун ёш оилаларнинг кўп ўтмай ажралиб кетишларининг сабаби нима? Оилада тарбиянинг яхшимаслиги. Келин бўлиб тушган ёш қиз қайнонага муомала қилишни билмайди, қайнона келин алдашни. Сув бошидан лойқаланади. Бу ерда онанинг ўрни каттароқ...



Хар бир халқнинг ўз урф-одатлари бор. Байрамлар, айниқса янги йилни қуттишларида қизиқ-қизиқ одатлари учратиш мумкин. Қуйида ана шу одатларимизнинг айрим лавҳаларини эътиборингизга ҳавола этаемиз.

ИТАЛИЯДА: Янги йил кечаси италияликлар бор овозлари билан қичқирашади. Шовқин-сурон кўтариши тўлдирилади, уйлари бошга қўтарилди. Баланд овозда гаплашиб, эски йил билан раҳнашани қўшиқ куйлашади. Янги йилни очиб чекра, хуш кайфият билан қутиб олиш келгусида орзу-умидларининг ушатишига ёрдам берадир.

ФРАНЦИЯДА: Парижда ҳам байрам одатлари кўп. Парижда ҳам байрам одатлари кўп. Парижда ҳам байрам одатлари кўп. Парижда ҳам байрам одатлари кўп.

МАРОКАШДА: Бу тунда ҳамма нарса унутилади. Маҳаллий маъмурлар бўлаётган ҳодисаларни қутиб кўришга оладилар. Туристлар сайр қилишади. Улар тун буйи шаҳар кезадилар. Бу кечда соғина олиш осон. Биринчи қараган кишига бир нарса инъом этилади. Қизиги шундаки, полиция бу вақтда кишиларнинг кайфиятини бузмаслик учун қорасини кўриб қўймайди. Марокашда 1 январь тунни ҳарорат олтара 20 даража иссиқ бўлади.

БЮК БРИТАНИЯДА: Бу ерда байрам зўр шодоналар билан ўтади. 28 декабр билан Янги йил кечаси оралиғида соғина-саломлар улашиш кунини нишонланади. 1 январда эса ҳеч ким соғина кутмайди ва олмайди. Камбағаллар учун концертлар берилади. Агар оғиз Лондонда бўлсангиз, барча ишларингизни 25 декабрда тугаллаб олганингиз маъқул. Кейин кеч бўлади. Чунки мамлакатда бошланган Рождество-христианлар байрами Янги йил билан улашиб кетиб, ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб қолади.

ИСПАНИЯДА: Бу ерда эса соғина беришдан ва олтишдан ҳеч ким зерикмайди. Бошқа мамлакатлардан фарқи ўлароқ, Рождествода ҳам, Янги йил кечасида ҳам соғина тақдим этиш мумкин. Бу кечда ишларнинг уйларида чиқиб, марказга ошиққаллар. У ерда узумхўрлик қиладилар. Мадридда бу ҳодат ҳақида ҳаётини ва жозибали кўринади. Поитталиклар бир соат мобайнида 12 бош узумни паққос қилирадилар. Маҳжорий маънода бу 12 ой демакдир.

Янги йил кечасида қўшимча тарзда қўй ёки қурқани тановул қилинади. Узумхўрлик байрами асосан 31 дан 1 январга ўтар кечаси содир бўлади. Ресторанда узумнинг исталган тўри топилади. Ҳуранда ранжимаслиги учун винонинг ҳар қандай нави муҳаббат этилади. Хуллас, Испанияда Янги йил кечаси ажойиб винохўрлик билан ўтади.



Хорижий хабарлар асосида БАХТИЁР тайёрлади

“ТУРКИСТОН” ЧИЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛАРИГА ДЎСТЛИК ҲАЗИЛЛА

ГУЛЧЕХРА ЖАМШИЛОВАГА: “Муҳаббат” ҳақида қўйлаб нишон таққан қизгина, “Саодат”нинг боғида муаттар гўл-сизгина. Тоғоралар кўтариб “Туркистон”га ҳам келинг, Бир ювайлик ул нишонини кечикмасдан тезгина.

МУХТАРАМА УЛУҒОВАГА: “Чикқан қиз” -- чикқан “қиз”, отажор, “Лағмон”дан чўзинг-да бизга ҳам. Айтнинг, қандай қилиб боғласак экан “Туркистон” қизларин бошини маҳкам.

ГУЛИ ЧЕХРАГА: “Туркистон”га келур ажиб дилномалар “Синчалар” деб имзо қўя ул номалар. “Агар осмон қулаб тўшса ушлайди-дер -- Самарқанду Бухорода миноралар”.

ИСЛОМ УСМОНГА: Бир гул учун тоғбон бўласизми, домла, Зўр тоғ учун тоғбон бўласизми, домла, “Қатагон”-ку қурбонларин ало қилди, “Туркистон”га қурбон бўласизми, домла?

АМИР БОЛА: *** ҲАЗИЛКАШГА “ТУРКИСТОН” ҲАЗИЛИ: Амир бола “Муштум” тугиб “Туркистон”га келгон эмиш. “Байрамга зўр соғина бор” деб “ЗИЛ”ни ташлаб кетгон эмиш. “КАМАЗ” ила қайтар чоғда “NEXIA” дан ўтгон эмиш. Бул ҳодиса Анвар Обид Қўлоғига етгон эмиш. Миш-миш эмиш, нима эмиш, Янги йилни Амир бола “Туркистон”да қўтгон эмиш.

НОРМУРОД НАРЗИЙГА: Сои устида ой қўрган, Пиёлада чой қўрган. Қайга борсак биз билан “Туркистон”ни бой қўрган.

РАУФ ПАРФИГА: Манглайда “шоир” деган тўрт чизикли ҳарфи бор, Утар бўлса дўкон олд “жиндайгина” сарфи бор. Давру даврон утар-кетар, шерь қолади абдаий, Замондошим бахтимиз шу -- бизда Рауф Парфи бор.

МУХАММАД ЮСУҒГА: Айланасиз, Шарқни кезиб айланасиз, Сиз барибир “Туркистон”га бойланасиз. “Шерьятнинг сабоғи”дан сўзланг десак, Юр, Мухаммад қишлоққа, деб шайланасиз.

МУХТАСАР тайёрлади

“ЯНГИ ЙИЛ ТОРТИ”

1 дона апельсин (арчилмаган) қайнатилади. Юмшаб пишғач, уруги олиб ташланади, сопол идишга солиб, пўстлогли билан эзилади, унга обдон кўпиртирилган 4 дона тухум сариги билан 8 ошқошиқ шакар, масаллик қуюқроқ ҳолатга келиши учун 1/2 пиёла қуритилган нон тоққони ва кўпиртирилган 4 дона тухум оқи қўшилади. Барча масаллик ахшиллаб аралаштирилғач, қолинга солиб пиширилади. Торт тайёр бўлғач, иссиқлигида сиртига апельсин кремни суртилади. Усти шokolада, деб шайланасиз.

Апельсин кремни учун: 1/4 пиёла апельсин шарбати, битта апельсин шедраси билан аралаштирилади. Яна бир апельсин шарбати сиқиб чиқарилади. Ҳосил бўлган шарбатга 4 та тухум сариги, 1 дона тухум (оқи ва сариги билан) 1/3 пиёла соф узум виноси билан аралаштирилади ва паст оловда суялгунча қайнатилади. Крем соғингича қавлаб турилади. Тайёр кремга яхшилаб кўпиртирилган тухум оқи қўшилади.

ФЕРУЗА тайёрлади



ЗАХМАТҚАШЛАРИМИЗ

Азиз муштарий! Мана, қўлингизда газетамизнинг бу йилги сўнги сони. Уни аста ыарақат экансиз, қалбингизда ўзгача бир илиқлик барқ урса, ажаб эмас. Сабаби, сиз билан биз улуг кунлар арафасида турибмиз. Газетамизни тайёрлаш ва сизга етказишдек эзгу ишда иждоий жамоамиз билан бир қаторда, “Шарқ” нашриёт -- матбаа концернининг ўнлаб ишчи ва хизматчиларининг ҳам беқиёс меҳнатлари бор. Сиз суратда кўриб турган кишилар -- навбатчи гуруҳ раҳбари Раҳим Нурматов, Исроил Набиев, Баҳром Исҳоқов, Ҳикмат Исмолов А.Голубев ва улар билан бир сафда меҳнат қилаётган бошқа ишчилар ҳам “Туркистон”нинг ўз вақтида сифатли чоп этилишга ҳисса қўшаётган фидойилардандир. Биз сизнинг номингиздан уларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

суратқаш А. ГЕРАСИМОВ

Газетанинг навбатдаги сони 5 январда чиқади